

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг
ҚАРОРИЎзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси
депутатлигига номзодларни рўйхатга олиш тўғрисида

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси, Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Ўзбекистон Халқ демократик партияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларни рўйхатга олиш учун тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республи-

касининг "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Қонуни 11, 26-моддалари, "Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида"ги Қонуни 5-моддасига мувофиқ, Марказий сайлов комиссияси Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар этиб қуйидагилар рўйхатга олинсин:

Тошкент вилояти бўйича:

Фамилияси, исми, отасининг исми	Туғилган йили	Партияга мансублиги	Эгаллаб турган лавозими	Иш ва яшаш жойи	Номзод кўрсатган органнинг номи
77-Ангрен сайлов округи					
Давлатов Рахмон Рузиевич	1963	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси	Ангрен шаҳри "Ором-Нон" хусусий фирмаси раҳбари	Тошкент вилояти, Ангрен шаҳри	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси
Мухаммедов Ғайрат Аминович	1966	Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси	Тошкент вилояти "Угом-Чотқол" давлат табиат миллий боғи бошқармаси Оҳангарон ўрмон ҳўжалиги директори	Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани	Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси
Насриддинов Захидхон Шарабидинович	1973	Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси	"Ангрен-Хамкор-авто" масъулияти чекланган жамияти директори	Тошкент вилояти, Ангрен шаҳри	Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси
Юнусова Алия Туйғуновна	1961	Ўзбекистон Халқ демократик партияси	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Демократик институтлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси аъзоси	Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани	Ўзбекистон Халқ демократик партияси
78-Бекобод сайлов округи					
Азамов Мухитдин Мухтарович	1962	Ўзбекистон Халқ демократик партияси	Тошкент вилояти "Кишлоқхўжаликкимё" худудий акциядорлик жамияти Бекобод тумани филиали директори	Тошкент вилояти, Бекобод тумани	Ўзбекистон Халқ демократик партияси
Жаббаров Абдухалим Абдукаримович	1963	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси	Бекобод тумани "А. Джаббаров" фермер ҳўжалиги раҳбари	Тошкент вилояти, Бекобод тумани	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси
Умирбаев Фахриддин Юлдашевич	1972	Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси	"Ғазалкент" очик турдаги акциядорлик жамияти бош директори	Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани	Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси
Ҳакимов Ойбек Саъдуллаевич	1978	Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси	Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бошқармаси бошлиғи ўринбосари	Тошкент шаҳри, Сирғали тумани	Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси
79-Бўка сайлов округи					
Ваҳобов Ҳикматилла Абдуллаевич	1964	Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси	Бўка тумани тиббиёт бирлашмаси бошлиғи	Тошкент вилояти, Бўка тумани	Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси
Комилов Фахриддин Эсанович	1962	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси	Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси
Нишанов Мелис	1951	Ўзбекистон Халқ демократик партияси	"Тошкентгазтаъминот" унитар корхонаси директори	Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани	Ўзбекистон Халқ демократик партияси
Турсунов Уткир Аликулович	1961	Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси	Оққўрган тумани "Механизациялашган кўча колонна-саноат, фуқаро қурилиши" корхонаси директори	Тошкент вилояти, Оққўрган тумани	Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси
80-Бўстонлиқ сайлов округи					
Ахмедов Убайдулло Раҳматуллаевич	1961	Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси	Бўстонлиқ тумани "Уч тоғ парвоз барака" фермер ҳўжалиги раҳбари	Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани	Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси
Рашитов Кахрамон Батирович	1963	Ўзбекистон Халқ демократик партияси	"Ўзнефгазмаш" акциядорлик компанияси бош директорининг ўринбосари	Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри	Ўзбекистон Халқ демократик партияси
Тоҳтаева Муҳаббат Абдуллаевна	1963	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси	Давлат муассасалари ва жамоат ташкилотлари қасаба уюшмалари Бўстонлиқ тумани Кенгаши раиси	Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси
Умирзақова Дилфуза Тилабаевна	1967	Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси	Бўстонлиқ тумани Ғазалкент хизмат кўрсатиш ва иқтисодий касб-ҳўнар коллежи директори	Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани	Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси
81-Зангиота сайлов округи					
Сувонов Холтўра Адилбаевич	1961	Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси	Тошкент вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раиси	Тошкент шаҳри, Учтепа тумани	Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси
Сулаймонов Ботиржон Абдушукирович	1974	Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси	Тошкент давлат аграр университетининг илмий-тадқиқот маркази директори	Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани	Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси
Ҳалимова Индира Насриддиновна	1956	Ўзбекистон Халқ демократик партияси	Тошкент вилояти ҳокимлиги оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масалалари бўйича котибиат мудири	Тошкент вилояти, Қибрай тумани	Ўзбекистон Халқ демократик партияси
Шарипов Ориф Муҳамедович	1966	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология қўмитаси аъзоси	Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси
82-Олмалик сайлов округи					
Исмаилов Орифжан Боқихонович	1953	Ўзбекистон Халқ демократик партияси	"Меҳнат групп" корхонаси бош директори	Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани	Ўзбекистон Халқ демократик партияси
Коренев Игорь Анатольевич	1966	Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Мудофаа ва ҳавфсизлик масалалари қўмитаси аъзоси	Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани	Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси
Рашидова Дилафруз Абдусатторовна	1976	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси	Пискент тумани "ДАР-БИЗНЕС" хусусий корхонаси раҳбари	Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси
83-Паркент сайлов округи					
Турсунбоев Шухрат Мирайимович	1970	Ўзбекистон Халқ демократик партияси	Юқоричирчиқ тумани Қурилиш иқтисод касб-ҳўнар коллежи директори	Тошкент вилояти, Юқоричирчиқ тумани	Ўзбекистон Халқ демократик партияси
Ҳатамов Улуғбек Жуматуллаевич	1966	Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси	Тошкент давлат юридик институти "Конституциявий ҳуқуқ" кафедраси катта ўқитувчиси	Тошкент шаҳри, Миробод тумани	Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси

Ходжиев Мавляноҳжа Эргашович	1959	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси	Паркент тумани "Бахт" фермер ҳўжалиги раҳбари	Тошкент вилояти, Ангрен шаҳри	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси
Яхияева Малика Саидахмедовна	1962	Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси	Юқоричирчиқ тумани "Муҳаббат Малика" фермер ҳўжалиги раҳбари	Тошкент шаҳри, Сирғали тумани	Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси
84-Тўйтепа сайлов округи					
Ан Зоя	1954	Ўзбекистон Халқ демократик партияси	Тошкент вилояти корейслар жамияти раиси	Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани	Ўзбекистон Халқ демократик партияси
Муслимова Севара	1963	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сийёсий Кенгаши Ижроия қўмитасининг Аёллар билан ишлаш бўлими мудири	Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси
Саифназаров Исмаил	1948	Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари	Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани	Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси
Юнусов Мирозид Мирағзамович	1962	Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси	Ўртачирчиқ тумани 25-сон умумтаълим мактаби директори	Тошкент вилояти, Ўртачирчиқ тумани	Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси
85-Чиноз сайлов округи					
Абдурахмонова Мухтасар Алимовна	1965	Ўзбекистон Халқ демократик партияси	Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши раиси ўринбосари	Тошкент вилояти, Қибрай тумани	Ўзбекистон Халқ демократик партияси
Акрамов Алишер Холдорбоевич	1968	Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси	Чиноз тумани "Акрамов А" фермер ҳўжалиги раҳбари	Тошкент вилояти, Чиноз тумани	Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси
Бозоров Тухта Шарипович	1962	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси	Ўзбекистон фермер ҳўжаликлари уюшмаси раисининг ўринбосари	Тошкент шаҳри, Учтепа тумани	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси
Султонова Мархабо Исмоиловна	1961	Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси	Ўртачирчиқ тумани 13-сон умумтаълим мактаби директори	Тошкент вилояти, Ўртачирчиқ тумани	Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси
86-Чирчиқ сайлов округи					
Абдурахмонов Қарши Холходжаевич	1961	Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси	Чирчиқ шаҳар тиббий бирлашмаси "Саломатлик маркази" – ташкилий услубий бўлими мудири	Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри	Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси
Гулямов Латиф Якубович	1956	Ўзбекистон Халқ демократик партияси	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси раиси ўринбосари	Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани	Ўзбекистон Халқ демократик партияси
Мирзакаримова Шоҳида Турғуновна	1961	Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси	Чирчиқ шаҳар ижтимоий таъминот бўлими мудири	Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани	Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси
Шукурова Гузал Насруллаевна	1968	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси	Қибрай тумани "Истиклол-Шукурова Гузал Насруллаевна" фермер ҳўжалиги раҳбари	Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси
87-Қибрай сайлов округи					
Абзалов Алишер Эркинович	1979	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси	Тошкент шаҳри "93-Махсус Трест" очик турдаги акциядорлик жамияти бош директори ўринбосари	Тошкент шаҳри, Миробод тумани	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси
Аброрхўжаев Асрор Ахмедович	1951	Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси	Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси "Ўзбекистон" телерадиоканали бўлим бошлиғи	Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани	Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси
Ахмеджанова Адипа Камилджановна	1955	Ўзбекистон Халқ демократик партияси	"Ўзевасабзавотузум саноат-ҳодинг" компанияси бошқармаси бошлиғи	Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани	Ўзбекистон Халқ демократик партияси
Ҳамидова Камола Тахировна	1977	Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси	Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти бош илмий ходими	Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани	Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси
88-Янгийўл сайлов округи					
Алимжанов Фуркат Фархатович	1973	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси	Янгийўл шаҳри "Янгийўл интерком" масъулияти чекланган жамияти раҳбари	Тошкент вилояти, Янгийўл шаҳри	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси
Раҳманов Хусниддин Шарипович	1967	Ўзбекистон Халқ демократик партияси	Янгийўл шаҳар тиббиёт коллежи директори	Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани	Ўзбекистон Халқ демократик партияси
Юнусов Обиджон Кодирович	1964	Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси	"Янгийўл ёғ-мой" очик турдаги акциядорлик жамияти раҳбари	Тошкент вилояти, Янгийўл шаҳри	Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси
89-Дўстобод сайлов округи					
Ахмедов Сайдивали Абдувалиевич	1961	Ўзбекистон Халқ демократик партияси	Оққўрган тумани "Гулистон-Бўстон" хусусий машина трактор парк раҳбари	Тошкент вилояти, Оққўрган тумани	Ўзбекистон Халқ демократик партияси
Зокирова Ханифа Абдусолиевна	1958	Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси	Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси девони бўлими бош мутахассиси	Тошкент вилояти, Қуйичирчиқ тумани	Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси
Сулайманова Сайёра Иляшевна	1960	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси	Қуйичирчиқ тумани "Абдусалом" хусусий ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари	Тошкент вилояти, Қуйичирчиқ тумани	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси
Ҳасанова Наргиза Омонкуловна	1973	Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси	Оққўрган тумани 49-сон умумтаълим мактаби директори	Тошкент вилояти, Оққўрган тумани	Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси

Ўзбекистон Республикаси
Марказий сайлов комиссияси Раиси

М. АБДУСАЛОМОВ.

Тошкент шаҳри, 2009 йил 20 ноябрь.

2009 йил – Қишлоқ тараққиёти
ва фаровонлиги йили

ЧОРВАЧИЛИК МАҲСУЛДОРЛИГИ ОШМОҚДА

Мамлакатимизда қишлоқ аҳолисининг бандлик даражасини ошириш, гўшт ва сут, сабзавот ва полиз маҳсулотлари етиштириш, қайта ишлашни ривожлантириш, сифатини янада яхшилаш доимий эътиборда. Бу озиқ-овқат маҳсулотлари сөрбалигини, ҳалқимиз дастурхони фаровонлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2008 йил 21 апрелда қабул қилинган "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллар кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш бора-сидати кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори бу борада муҳим омил бўлмоқда.

Мазкур ҳужжат асосида жорий йилда кам таъминланган ва серфарзанд оилаларга қарийб 16 минг бош қорамол берилди. Ўз хўжалигида мол боқиб кўпайтириш имкони бўлган фуқаролар иш билан таъминланган аҳоли тоифасига киририлиб, уларга меҳнат дафтарчаси очилгани жойларда бандлик масаласини ҳал этишга хизмат қилаётди.

Манфаатдорлик бор жойда ишда унум, даромадда ўсиш бўлади. Шу маънода қорамоллари сонини янада кўпайтирмоқчи бўлган оилаларга тижорат банклари томонидан йил бошидан буён 27,8 миллиард сўмлик имтиёзли кредит ажратилгани оилавий тадбиркорликни янада кенг йўлга қўйиш, чорвачилик маҳсулотлари ҳақинини оширишда қўл келмоқда. Ўшбу маблағлар ҳисобидан насли молларни олди-соттиси учун ташкил этилган аукционларда шу кунгача 20,6 минг бошдан зиёд юқори маҳсулдор қорамол харид қилинди.

Чорва молларининг кўпайиши, зооветеринария пунктларида бўлган эҳтиёжни оширмоқда. Жорий йилда жойларда 152 зооветеринария пункти ташкил этилган, уларнинг мамлакатимиздаги умумий сони 2430 тага етди. Замонавий ушбу ва жиҳозлар билан таъминланган мазкур пунктларда сервис хизмати кўлами кенгайиб, йил бошидан буён шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларига қарийб 5,2 миллиард сўмдан зиёд хизматлар кўрсатилди.

Аҳоли ва фермер хўжаликларини юқори маҳсул-

дор озуқа билан таъминлаш – чорвачиликни барқарор ва жадал ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга. Ҳозиргача жойлардаги салкам 2 минг ихтисослаштирилган ем сотиш шохобчаси орқали қоравдорларга 694 минг тонна омухта ем, пахта шроты ва шелуха маҳсулотлари етказиб берилди.


Хориждан олиб келинган зотдор қорамолларни кўпайтириш чорва наслдорлигини янада яхшилашга хизмат қилмоқда. Жумладан, 2006-2008 йилларда 10 минг 620 бош, жорий йилнинг ўтган даврида эса 4 минг 272 бош зотли қорамол келтирилди. Улардан шу кунгача 12 минг бошдан зиёд бузоқ олинди. Ҳозирги кунда ҳар бир сигирдан кунига ўртача 20-24 килограммдан сут соғиб олинмоқда.

Юқори маҳсулдор чорва молларини нафақат четдан келтириш, балки юртимиз ҳудудида насли қорамоллар генофондини ташкил қилиш, сақлаш ва янгиллашга муҳим эътибор қаратилмоқда. Шу боис наслчилик корхоналари 2012 йилгача асосий фаолият тури бўйича барча солиқлар ва мажбурий ажратмалар тўлашдан озод қилинган.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар самарасида юртимизда чорва моллари сони йилдан-йил кўпайиб, етиштирилаётган маҳсулот тури ва ҳажми ошмоқда. Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Чорвачилик, паррандачилик, асаларичилик ва балчиқчиликни ривожлантириш бош бошқармасидан маълум қилишларича, жорий йилнинг ўтган даврида қорамол сони 7,1, қўй-эчки 6, парранда эса 10,1 фоиз кўпайган. Шунингдек, гўшт ишлаб чиқариш 7,3, сут 8,2 ва тухум 12,2 фоиз ошди.

Буларнинг барчаси мамлакатимизда чорвачиликни ривожлантириш, ҳалқимиз фаровонлигини янада оширишга қаратилган доимий эътибор самараларидандир.

Сайёра ШОЕВА,
ЎЗА шарҳловчиси.



Дарвоқе

ҚОИДАНИ БИЛМАГАН ЁМОН

Бугун Алижон ака одатдагидай оиласи билан отаравасини миниб, далага йўл олди. Узоқ йиллардан буён деҳқончилик қилиб кун кўраётгани учунми, даласидан кўнгил узоқламайди.

"От изини той босар" деганларидек, фарзандлари ҳам отаси каби деҳқончиликка меҳр қўйишган.

– Онаси, табиат қўйида, тоза ҳавода меҳнат қилишнинг ҳам ўз гаши бор-а, – деди Алижон ака отини қамчилаб.

– Нимасини айтасиз дасис, шукр, қоримиз тўк, устимиз бут, нолисак гуноҳ бўлади-я, – деди Салима ая турмуш ўртоғининг гапини маъқуллаб.

Сўхбат қизиб кетганидан далага етишганини ҳам сезмай қолди. Кун билан ҳосилини йиғиб-териб, шом пайтида уйга қайтишга ҳозирлик қўришди.

Кун ғира-шира бўлганида кўрғони "Дўстлик" фермерлар уюшмасининг ички йўлида ҳайдовчи бошқарувни эплай олмай, қарама-қарши йўналишга чи-

қиб, қаршисидаги от-арава уриб юборди. Натижада, аравада келаётган Алижон ака енгил, Салима ая эса қаттиқ тан жароҳати олди ва шифохонага ётқирилди.

Афсуски, юқоридаги каби ҳолатлар чекка қишлоқларимизда учраб турибди. Ҳўш, бунга асосий сабаб нимада? Ҳайдовчиларнинг лоқайдлигини ёки арава-кашлар ўзларининг хавфсизликларини етарли даражада таъминлай олмаётганлиги? Ё бўлмаса, бунга сабаб йўл ҳаракати қоидаларини билмасликми?

– Бизнинг бош мақсадимиз аҳоли хавфсизлигини таъминлаб, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олишдир, – дейди вилоят ИИБ йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси катта инспектори Исроилюҳжа Саидқаримов. – Вилотимизда 2009 йилнинг 10 ойида 28 та от-арава билан боғлиқ ҳодиса юз берган. Қолаверса, 1316 та йўл-транспорт ҳодисаси содир этилган бўлиб, ўтган йилга нис-

батан 39 тага камайган. Аммо бу кўрсаткич бизнинг хотиржамлигимиз учун етарли эмас.

Йўл-транспорт ҳодисаларини камайтириш бўйича олиб борилаётган чора-тадбирларни янада кучайтириш мақсадида вилотнинг барча туман ва шаҳарларида, маҳалла, қорхона, ташкилотларда, мактаб, лицейларда йўл-патруль хизмати нозирлари томонидан турли давра суҳбатлари ҳамда тушунтириш ишлари олиб борилаётган. Бу эса ўз навбатида қонунни билишга, йўл ҳаракати тартиб-қоидаларига риоя қилишга, доимо ҳушёр бўлишга ундайди.

Шуни айтиш жоизки, қонун барча учун баробар, автомобил ҳайдовчисини ёки от-арава бошқарувчисини, пиёдами – қонунни билса, унга риоя қилса, юқоридаги каби нохуш ҳодисалар камайган бўлар эди.

Ирода НОРБОВЕВА,
"Тошкент ҳақиқати"
муҳбири.

КОММУНАЛ ХИЗМАТ:

ТИЗИМДА УЗИЛИШ ЙЎҚ

Ўлкамизда қиш мавсуми бошланаётган бир пайтда аҳолини ўз вақтида иссиқ сув ва иссиқлик энергияси билан таъминлаш асосий вазифалардан бири ҳисобланади. Шу мақсадда Чирчиқ шаҳрида мавсум тадориғига барвақт киришилган. Бунинг самараси натижасида шаҳар "Иссиқлик таъминоти" корхонасига қарашли 14 та қозонхона, 104 километр узунликдаги иссиқлик узатиш тармоқлари тўлигича тахт ҳолатга келтирилди.

Қиш мавсумида нафақат аҳоли, балки ижтимоий-маданий ва бошқа соҳа объектларида иссиқлик энергияси етказиб бериш ҳам узлуksиз йўлга қўйилди.

– Бу борада мамлакатимиз Президентини, вилоят ва Чирчиқ шаҳар ҳокимларининг айнан шу масала бўйича қабул қилган қарорларининг ижросини таъминлаш мақсадида 300 метрлик иссиқлик тармоқлари мукаммал созланди, – дейди шаҳар "Иссиқлик таъминоти" корхонаси раҳбари А. Худойбергенов. – 12 та қозонхона ва 32 та қозон жорий таъмирланди. Шу билан бирга 90 километр

узунликдаги иссиқлик тармоқлари ҳам қўриқдан ўтказилди. Ҳар километр ҳажмда иссиқлик тармоқлари изоляцияси тикланди. Натижада 725 та қўп қаватли уйлар, 31 та қўв муассасаси, 30 та мактабгача таълим муассасаси, 12 та даволаш ва бошқа юзга яқин ташкилотларга иссиқлик энергиясини етказиб бериш сифати яхшиланди.

Айни чоғда йил якунлашишига санокли дамлар

қолаётган бир пайтда истеъмолчиларнинг дебиторлик қарзларини камайтиришга жиддий киришилган. Хусусан, 1 миллиард 269 миллион 600 минг сўмлик қарздорликни бартараф этиш учун тўпланган ҳужжатлар судга тақдим этилди. Бугунги кунга қадар, мазкур қарздорликнинг қарийб 163 миллион сўми ундириб олинди.

Таъкидлаш зарурки, шаҳарда "Сувоқава", "Электр тармоқлари", "Чирчиқшаҳаргаз" филиаллари томонидан ҳам мавсумга тайёргарлик ишлари жиддий киришилган. Жумладан, "Чирчиқшаҳаргаз" филиали ўтган вақт мобайнида газ қувурларини таъмирлаш, мўриконларни назоратдан ўтказиш, изоляциялаш ишларини амалга оширди.

СУРАТДА: (чапдан) шаҳар иссиқлик таъминоти бош муҳандиси Жамшид Холметов, қозонхона бошлиғи Алимбой Турдубоев ва оператор Жамшид Усаметовлар келгуси режалар ҳусусида суҳбатлашмоқда.

СОҒЛОМ ОНА – СОҒЛОМ БОЛА

КЕЛИН КЕЛДИ, ЁР-ЁР...

"Отайўл" автобусида ҳаёл суриб кетар эканман, орқа ўриндикдаги бир нуруний отахон билан ёши 30-35лардаги зиёли йигитнинг суҳбати диққатини тортиди:

– Эҳ, дунёнинг ишлари, – деб қўйди ўзича отахон.

– Ҳа, отахон, нима бўлди, ташвишли кўри-наси?

– Нимасини айтасиз ўғлим, воғга етиб қолган фарзандимиз бор. Уни не-не орзу-ниятлар билан уйлаб, бошини иккита қилиб қўйиш ташвишида эдик. Шу денг, келин-куёвлар никоҳдан олдин дўхтирлар кўригидан ўтишлари керак экан. Ҳали у дўхтирга бор, ахли бунисига анализ топшир ва ҳоқазо. Бир неча кунлаб вақт кетади, уйда эса юмушлар тўлиб-тошиб ётибди. Бизнинг давримизда бундай эмасди-а.

– Ҳа, энди, у даврлар ўтиб кетди. Бугун фарзандлар соғлиги учун турли дастурлар қабул қилиниб, амалга ошириляпти-да. Сизга бир саволим бор, отахон, қишлоқда деҳқончилик билан шуғулланасиз-а?

– Ҳа, ўғлим, – Деҳқончиликдан баракали ҳосил олиш мақсадида нима қиласиз? Албатта, экин-тикин учун яхши уруғларни излаб топасиз. Яна тажрибали деҳқонлардан сўраб-суриштираёсиз. Яхши, мағзи тўк уруғни топгач, ерингизга ишлов бераёсиз. Яъни, ўғит солиб ҳайдатасиз, сўнг уруғни қадайсиз, уни чиққандан кейин вақтида суғорасиз,



ўғит берасиз. Натижада мўл ҳосил оласиз. Яна бир мисол: уйингизда молингиз ҳам бўлса керак-а? Молнинг ҳам бозорда наслдорини олишга ҳаракат қиласиз. Лекин болаларнингизга келганда... Ахир, ўғлингиз билан бўлажақ келинингиз шифокорлар кўригидан ўтиб, турмуш курси, қандай яхши. Соғлом қизлардан – соғлом фарзандлар туғилади. Невадаларингиз соғлом бўлса, авлодларимиз соғлом бўлади. Лекин, ёшлар оилали бўлгандан кейин ҳам уларнинг турмуш тарзини назорат қилиб туриш керак. Йигитларни ёмон одатлардан – чекиш, ичишдан асраш, келинларга бўлса, қайноналар уй юмушларини ўргатибгина қолмай, уларнинг еб-ичиларини кузатиб боришлари керак.

– Э, бўлди-бўлди, болам, баракалла. Гап бу ёқда денг-а? Раҳмат сизга...

Фарида КОМИЛОВА,
Саломатлик ва тиббий статистика институти вилоят филиали нашриёт бўлими мудири.

Паспортим – фахрим

«МЕН ЎЗБЕКИСТОН ФУҚАРОСИМАН!»

Оҳангарон тумани ички ишлар бўлими ходимлари ҳуқуқбузарликларга қарши кураш ва унинг олдини олиш, ҳалқ оқошталлигини, чегараларимиз дахлсизлигини таъминлаш, ҳудудимизга ноқонуний кириб келган чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган ҳамда паспорт-виза қоидаларини бузиб яшаётган шахсларни аниқлаш ва қонуний чоралар кўриш мақсадида тузилган режа асосида профилактика инспекторлари ва кенг жамоатчилик билан "Спитамен", "Паспорт-виза", "Чегара" ва "Антитеррор-тозалаш" тадбирларини ўтказишмоқда.

Авалло жойларда тушунтириш ишлари олиб боришмоқда. Сусам, Дўстлик, Озодлик, Қорахитой, Телов, Увак, Бирлик, Қурама қишлоқлари ҳамда гузарлар, қўв муассасалари ва маҳаллаларда "Паспортим – фахрим", "Виза тартиби қоидаларини биласизми?" каби мавзуларда учрашувлар ўтказилаётди. Бундан кўзланган мақсад паспорт ҳар бир фуқароннинг миллий ифтихори эканлиги, қолаверса, паспорт қоидалари барча учун мажбурий эканлигини жамоатчилик онгига сингдиришдан иборат.

Бирок, шунга қарамай, йил бошидан буён 1039 та қоидабузарлик ҳолатлари аниқланди. Айбдорлардан жами 23678129 сўм жарима ундирилди. Айрим шахслар яшаш гувоҳномасининг амал қилиш муддати ўтиб кетса ҳам хотиржам юрарегани кишини таажубқа солади. Масалан, фуқаролиги бўлмаган Тохир Каримов Ўзбекистон Республикасида доимий яшаш гувоҳномасининг муддатини ўз вақтида узайтирмаганини, Савлатпачча Хайдарова эса Ўзбекистон

Республикасида доимий яшаш гувоҳномасини йўқотганлиги боис жарима тўлади.

Паспорт тизими қоидаларининг назорати бўйича ўтказилаётган тадбир давомида Охангарон туманида яшаётган қирғизистонлик Феруза Ёқубжонов, Олияхон ва Умидахон Назариевалар вақтинчалик рўйхатдан ўтмаганликлари боис республика ҳудудидан чиқариб юборилди.

Миллий ифтихоримиз бўлган паспортни биринчи марта олаётган ёшларга тантанали равишда топшириш туманда анъананага айланган.

– Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида туман ИИБ паспорт бўлимида 36339 кишига фуқаролик паспортлари топширди, – дейди паспорт бўлимида бошлиғи Жаҳонгир Мамажонов. – Шулардан 1094 нафар 16 ёшга тўлган ўсмир ва ёшларга Ўзбекистон Республикаси фуқаролик паспорти 53 та мактабда тантанали равишда топширилди.

Маълумки, давлатимиз раҳбарининг "Ўзбекистон Республикасида паспорт

тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонига қўра, мамлакатимизда 2010 йилнинг 1 январидан эътиборан ағаларининг биометрик маълумотлари бўлган янги фуқаролик паспорти жорий этилади.

Ушбу Фармоннинг ижросини таъминлаш учун туманда зарур чора-тадбирлар амалга ошириляпти. Жумладан, Фармон моҳиятини аҳолининг барча катламларига тушунтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

– Фармон ижроси юзасидан туман ҳокимлиги қоидада маҳаллий ҳокимият вакиллари, қорхона ва ташкилот раҳбарлари ва ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларидан иборат ички гуруҳи тузилган, – дейди пировардида Жаҳонгир Мамажонов. – Ички гуруҳ аъзолари аҳолига биометрик параметри паспортининг афзалликлари, паспортларни алмаштириш муддатлари ва тартиб-қоидаларини тушунтиришмоқда. Шунингдек, кам таъминланган оилалар, меҳнат фахрийлари ва ногиронлар тўғрисидаги маълумотларни аниқлаш мақсадида маҳаллий ҳокимият вакиллари ҳудудларни ўрганиб чиқиб, паспорт алмаштириш жараёнида уларга ҳомийлик ёрдами кўрсатиш кўзда тутилган.

Шерали АНВАРОВ,
вилоят ИИБ матбуот хизмати катта инспектори.



ТАРБИЯ БОЛАЛИКДАН

Олмалик шаҳар ички ишлар бўлими томонидан 10 ноябрдан 30 ноябргача шаҳарда "Давомат" ва "Ўсмир" махсус профилактик тадбирлари ўтказилмоқда. Уларнинг навбатдагиси "Кимёгарлар" маданият саройида бўлиб ўтди. Унда кон-металлургия касб-хўнар коллежининг талабалари иштирок этишди.

Мазкур тадбирларни ўтказишда қўзланган асосий мақсад, воғга етмаганларни назоратсиз ва қаровсиз қолдирмаслик, уларни жиноят ва ҳуқуқбузарлик қўчасига кириб кетишларига йўл қўймаслиқдир, – дейди шаҳар ички ишлар бўлими ходимаси Соҳида Муротова. – Тадбирлар давомида сабабсиз дарс қолдирувчи ўқувчилар, уларнинг ота-оналари, бола тарбиясига жавобгар бўлган бошқа масъул шахслар аниқланиб, уларга нисбатан тегишли чоралар кўрилмоқда.

Тадбир давомида "Тахдид" кинофильми намойиш этилди. Фильмда бутун дунёда долларб муаммога айланган халқаро терроризм ва диний экстремизмга қарши курашишда мардлик ва жасорат намунасини кўрсатган Ватанимиз химоячилари ҳақида ҳикоя қилинади.

СУРАТДА: тадбирдан ҳар ким ўзига тегишли ҳуло-сани чиқариб олади.

Даврон АҲМАД
олган сурат.

Утерьяные кадастровые документы земельного участка, на котором расположено производственная база, принадлежащая ЧП «ALLAGULOVA LOLA ROBERTOVA», расположенное по адресу: г. Ташкент, Мирзо Улугбекский район, массив А. Югнаки, ул. Проектная, Г-40, зарегистрированное в Государственном земельном кадастре, за кадастровым номером 1727861112, СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМИ.

Япония элчихонаси ва "JICA" халқаро ҳамкорлик агентлигининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ташаббуси билан "Япониянинг ривожланишга расмий ёрдам дастури: кеча, бугун, эртага" мавзусида тақдимот маросими ва пресс-тур

ҲАМКОРЛИК РИШТАЛАРИ МУСТАҲКАМ

Тадбир пойтахтдаги Халқаро ҳамкорлик марказида ўтказилган тақдимот маросимидан бошланди. Унда вазирлик ва идоралар, халқаро дипломатик ташкилотларнинг ходимлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди. Учрашувда "JICA" ваколатхонасини томонидан амалга оширилаётган самаралар ишлар ҳамда сый-ҳаракатларга оид маърузалар тингиланди. Ташкилотнинг лойиҳалари ва ажратётган грантлари бўйича қизиқарли тақдиротлар ўтказилди.

– Ташкилотнинг Япония ҳукуматининг ривожланаётган давлатларга "Ривожланишга расмий ёрдам дастури"ни амалга оширувчи донор агентлиги ҳисобланади, – дейди

"JICA" ваколатхонасининг раҳбари Юкихико Эжери. – Биз шу кунгача Ўзбекистоннинг барча ҳудуд бўйича умумий қиймати 15 миллион АКШ долларидан зиёдрок бўлган жами 262 та лойиҳани амалга оширдик. Асосан таълим, соғлиқни сақлаш тизими, нодавлат нотижорат ташкилотларни қўллаб-қувватлаш, сув таъминоти, йўлсозлик ҳамда атроф-муҳитни муҳофиза қилиш соҳалари қамраб олинган. Бунинг учун имтиёзли кредитлар, бегараз ва техник кўмак сингари дастурлардан самарали фойдаланган ҳолда фаолият юритиб келмоқдамиз.

Маълумотларга қараганда, "JICA" ташкилоти ўтган вақт ичида Тошкент шаҳри ва ви-

лояти ҳудуди бўйича 83 та лойиҳани амалга оширган. Уларга жами 4 миллион 809 минг АКШ доллар микдорида маблағ сарфланган. Чунинчи, Ангрэн шаҳридаги 33-умумтаълим мактабига ўқув қуроллари ажратилган бўлса, 29-мактабга тикув машиналари ҳамда мебель жиҳозлари тақдим этилган.

Тадбир иштирокчилари Тошкент шаҳри, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида қатор мактаб, коллеж ва шифохоналарда бўлиб, халқаро ташкилот томонидан бу жойларга ажратилган ёрдам, имтиёзли кредитлар, қўрсатилган бегараз ва техник кўмак самаралари билан яқиндан танишишди.

Хурида НАЗАРОВА.

ООО «LUMBER» (ИНН 206953309) С. Рахимовского района г. Ташкент-а сообщает об уменьшении уставного фонда с 65 205 000 сумов до 26 212 282 сумов. Тел.: 150-29-57.	Яккасарой туманида рўйхатдан ўтган "YUMAR" масъуляти чекланган жамияти (ИНН 201501518, ОКОНХ 92200) ТУГАТИЛАДИ. Давволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида қабул қилинади.
--	---

«КАМОЛОТ»ДА
НИМА ГАП?


Вилоят маънавият ва маърифат маркази биносиди ёшларнинг маънавий-ахлоқий тарбиясини янада кучайтириш, ўғил-қизлар ўртасида ўзаро маданий ва спорт алоқаларини йўлга қўйиш мақсадида "Камолот шахмат тахтаси" III анъанавий турнирининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Тадбир "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими кенгашининг ҳамкор ташкилотлари иштирокида ўтказилди. Мусобақада вилоятнинг шахар ва туманларидан жами 84 нафар ўғил-қиз иштирок этди.

Турнирда 14-16 ва 17-18 ёшдаги ёшлар ўзаро беллашиб, мусобақанинг республика финал босқичида катнашувчи голиблар сараланди.

Яқини натижаларга кўра, 14-16 ёшдаги ўғил-қизлар ўртасида Чирчиқ шаҳридан Санжар Самиев ва Феруза Муҳаммадқаримова 1-ўринни, Паркент туманидан Достон Исмолов ҳамда Ангрендан Дурдона Абдуназарова 2-ўринни кўлга киритишди. Оққўрғонлик Жамолддин Маматқулов, Махлиб Абдуқаҳҳоров ва 3-ўрин насиб этди.

17-18 ёшлилар ўртасида 1-ўринга беқободлик Фозилжон Жалолов ва оққўрғонлик Мафтуна Маматқулова лойиқ топилди. Қибрай туманидан Рустам Абдуқайдаров, Чирчиқ шаҳридан Наргиза Амирова фахрли 2-ўринни қўлга элтди. Шунингдек, Чирчиқдан Азиз Амиров, Ангрен шаҳридан Дилноза Омонова 3-ўринни эгаллаб, республика финал босқичида иштирок этдиш ҳуқуқини кўлга киритди.

Ирода МАКСУД қизи.



КУТУБХОНАДА ДАВРА СУҲБАТИ

"Маънавият" нашриёти томонидан 2006 йилда республика Президенти Ислам Каримов номига юборилган мактублар "Президентга мактублар" номи билан китоб ҳолида чоп этилган эди. Яқинда ана шу китобнинг иккинчи жилди нашр қилинди.

Унда 2005-2009 йиллар давомида Ўртабўшимиз номига мамлакатимиз ва хорижий давлатлар фуқаролари ҳамда нуфузли ташкилотларнинг раҳбарлари, жамоат арбобларидан келган хатлар ва уларга жавоб мактубларидан намуналар ўрин олган.

"Турон" ахборот-кутубхона мар-

кази ўқув залида шу китобнинг тақдироти бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Тадбирда олий ўқув юрлари профессор-ўқитувчилари, олимлар, адабиёт ва маънавият намойндалари, жамоат арбоблари, талабалар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Давра суҳбатида сўзга чиққанлар республикамизнинг жаҳон ҳамжамиятида тугган ўрни, унинг ички ва ташқи сиёсати ҳақида фикр юритиб, давлатимиз раҳбарининг серкира фаолияти, долзарб масалалар юзасидан доимий ва самимий мулоқотлари ҳаётимизнинг мазмун-моҳиятини теран англашда аҳамиятли эканини таъкидлашди.

Хасан АБДУНАЗАРОВ.
СУРАТЛАРДА: маросимдан
лавҳалар.

Даврон АХМАД
олган суратлар.

ДИҚҚАТ, ЭЪЛОН!

Ўзбекистон Республикаси Тошкент вилояти ҳокимлиги йўловчи транспортнинг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 19 ноябрдаги қарорига асосан, 2009 йил 27 ноябрь "Қурбон ҳайити" дам олиш кунини деб белгиланганлиги сабабли, Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташини ташкил этиш вилоят комиссияси томонидан 2009 йил 27 ноябрда ўтказиладиган очик тендер савдолари 2009 йил 1 декабрь соат 17.00 га қўйрилганлигини ҳамда ушбу очик тендер савдоларига қўшимча талабгорларнинг ҳужжатлари қабул қилинмаслигини маълум қилади.

Маълумот учун телефон: 294-92-44.

ООО «ALFA QURILISH MONTAJ SERVIS», расположенное в Яккасарайском районе г. Ташкента и зарегистрированное в Инспекции по регистрации субъектов предпринимательства Яккасарайского района, объявляет об уменьшении уставного фонда общества с 1 187 700 000 сумов до 1 087 700 000 сумов.

Претензии принимаются в течение одного месяца со дня опубликования объявления.

ООО «SIYMO-DIZAYN» (ИНН 20399606, ОКПО 18524212), зарегистрированное в Шайхантахурском районе г. Ташкента увеличивает уставный фонд с 625 000 сумов до 52 000 000 (пятьдесят два миллиона) сумов.

Претензии принимаются по адресу: г. Ташкент, Шайхантахурской район, ул. А. Навои, д. 2-А или по тел.: 244-10-09, 244-09-12.

Собир Рахмонов тумани хокимининг 18 апрель 2003 йилдаги 644-сонли тартиб рақами билан рўйхатга олинган «MUZ-QAYMOQ SERVIS» хусусий фирмасининг ташкилий-ҳуқуқий шакли «MUZ-QAYMOQ SERVIS» масъулияти чекланган жамиятига ўзгариши ҳамда корхонанинг юридик манзили: С. Рахмонов тумани, Майқўрғон қўчаси, 244-уйдан – Чилонзор тумани, 6-п. Карвонсарой, 21-уйга, ўзгариши муносабати билан давволар 479-70-99 рақами телефон орқали қабул қилинади.

П. Б. Боровский номидаги тиббиёт коллежи томонидан 2004 йилда Насруллаева Гулнора Абду-Халилбеков номига берилган К № 061849 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ООО «NEFTGAZMINERAL» Юнусабадского района г. Ташкента сообщает о выходе ООО «Техника» из состава учредителей и уменьшении уставного фонда с 100 000 000 сумов до 55 000 000 сумов.

ООО «ALAN GAZ KREDIT» (ИНН 301247743) Хамзинского района г. Ташкента сообщает об уменьшении уставного фонда с 225 000 000 сумов до 165 000 000 сумов.

Тел.: для справок: 733-80-86.

Утерянные кадастровые документы на офис и здание склада, принадлежавшие ООО «LMDC» (ранее ЧФ «LMDC»), расположенные по адресу: г. Ташкент, Мирзо Улугбекский район, массив А. Югнаки, ул. Проектная, Г-40, зарегистрированные в Государственном кадастре, за реестровым номером 9-311/2004,

СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМИ.

ООО «NEFTGAZMINERAL» Юнусабадского района г. Ташкента сообщает о выходе ООО «Техника» из состава учредителей и уменьшении уставного фонда с 100 000 000 сумов до 55 000 000 сумов.

Собир Рахмонов тумани Таббиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан 19.01.2009 йилда № 05-06791 рақам билан рўйхатга олинган (ИНН 469924978) якка тартибдаги тадбиркор Мирзамахматов Дилшоод Мирзамауровичга тегишли бўлган бир дон думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Ўзбекистон Миллий университети томонидан Хасанова Зухра Сулаймановна номига берилган «Академ маълумотнома» йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент Давлат жаҳон тиллари университети томонидан 2008 йилда Арифжанова Сабохат Хакимовна номига берилган № В 322124 (рўйхат рақами 200/08) рақамли диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ООО «TANTANA UNIVERSAL» (ИНН 301067105), зарегистрированное в Мирабадском районе г. Ташкента от 17.02.2009 г.

ЛИКВИДИРУЕТСЯ. Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления по тел.: 442-72-22.

Утерянный план квартиры по адресу: г. Ташкент, массив Чиланзар-31, д. 45, кв. 232, выданный БТИ Учительского района на имя Ахунджанова Абдуқодира Темировбековича 6 ноября 2008 г.,

СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

Утерянный план квартиры по адресу: г. Ташкент, массив Чиланзар-31, д. 45, кв. 232, выданный БТИ Учительского района на имя Ахунджанова Абдуқодира Темировбековича 6 ноября 2008 г.,

СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

Утерянный план квартиры по адресу: г. Ташкент, массив Чиланзар-31, д. 45, кв. 232, выданный БТИ Учительского района на имя Ахунджанова Абдуқодира Темировбековича 6 ноября 2008 г.,

СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

Утерянный план квартиры по адресу: г. Ташкент, массив Чиланзар-31, д. 45, кв. 232, выданный БТИ Учительского района на имя Ахунджанова Абдуқодира Темировбековича 6 ноября 2008 г.,

СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

Утерянный план квартиры по адресу: г. Ташкент, массив Чиланзар-31, д. 45, кв. 232, выданный БТИ Учительского района на имя Ахунджанова Абдуқодира Темировбековича 6 ноября 2008 г.,

СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

Утерянный план квартиры по адресу: г. Ташкент, массив Чиланзар-31, д. 45, кв. 232, выданный БТИ Учительского района на имя Ахунджанова Абдуқодира Темировбековича 6 ноября 2008 г.,

СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

Утерянный план квартиры по адресу: г. Ташкент, массив Чиланзар-31, д. 45, кв. 232, выданный БТИ Учительского района на имя Ахунджанова Абдуқодира Темировбековича 6 ноября 2008 г.,

СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

Утерянный план квартиры по адресу: г. Ташкент, массив Чиланзар-31, д. 45, кв. 232, выданный БТИ Учительского района на имя Ахунджанова Абдуқодира Темировбековича 6 ноября 2008 г.,

СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

Одавийлик шеваси

БИРОВНИНГ ҲАҚИ

Машина сигналин эшитиб Хасан-Хусанлар "дадам келди-лар", дея кўча томонга югуришди. Тойчоқдек чопқиллаб келатган ўғилларини кўриб, Сирожиддиннинг юзлари ёришди. Хар кунгидек ака-ўка машинанинг олди ўриндиғини талашиди. Ота ўғилларини хафа қилиб қўймаслик учун иккисини ҳам орқа ўриндиққа ўтказди. Машинани гаража олиб киргач, дарвозани ёпа туриб, ўғилларидан "уйда ким бор?" дея сўради.

— Ада, бир киши сизни сўраб келганди, ойм сизни ишда деди. Кейин ўша киши бобом билан гаплашди, бобом унга пул берди, — бири олиб, бири қўйиб аяғликлардан бохабар қила кетди ўғиллари.

Сирожиддин ўғилларининг гапларига унчалик тушунмаган бўлса-да "азаматлар-э", деганча қулиб қўйди. Хасан-Хусанлар етовиди отаси ўтирган уйга кирди. Муҳиддин ота ўғлининг саломига алик олиб, чўлдирашаётган набираларига "ойинг овқатни сузаверсин", деди мулоимлик билан.

Дастурхон устиди ота-ўғил кундалик ишлар ҳақида сўзлашди. Муҳиддин ота эрталаб

бўлиб ўтган воқеа ҳақида ўғлига оғиз очмади. Овқатланиб бўлишгач, ота набираларини уйнатгани турди. Дастурхонни йиғиштиратган Гўлсанам қайнотаси кўриб кетган уй томонга кўз ташлаб олди-да, эрига юзланди.

— Ўша кунни ҳашарда ишлаган йигит бор эди-ку, ўртоғингиз Зоҳид ака олиб келганди. Шу йигит келди.

— Хали ўғилларинг айтатганди, сизни биров сўраб келди, деб. Нимага келибди, бирон иши бор эканми менда? — Сирожиддин хотинига саволмун қаради.

— Пул сўраб келибди. — Нима, қанақа пул, тушунтириб гапирсанг-чи! — Ўртоғингиз уйимизда ишлаган йигитга ҳақини бермабди. Бир-икки сўраб борибди. Зоҳид ака "мен сени танимайман" деганмиш. Шунинг учун уйимизга келибди. "Янга, кун билан ҳашарингизда ишлаганини эс-лайсизми?" дейди бечора йигит.

— Кейин нима бўлди? — Дадамга кириб бор гапни айтдим. Отангиз уни ичкарига чакирди, биргалашиб чой ичиди. Сўнг боланинг ишлаган ҳақини бериб юборди, — бамайлихотир жавоб берди аёл.

Аёлининг гапини эшитиб, Сирожиддин ётган жойидан иргиб турди.

— Нега энди ўша айтган пулини ўзинг бериб юбормасдан дадамга айтдинг, менга бир оғиз кўнгирик қилсанг бўлмасмиди? — деди жаҳл билан.

Эрининг вақоҳатини кўриб, Гўлсанамнинг ранги-қўти учди. "Жаҳлингиз чиқишини қаердан билибман, ўша ўртоғингиз катта кетиб ҳашарчи олиб келганидан кейин ҳақини ҳам тўлаб қўймайми?" деганча ундан узоклашди.

— Овозингизни ўчир, фаросатли аёл бўлганингизда ими-жимиди ҳал қилардинг, — Сирожиддин бор аламини аёлидан олгудек ортидан бақирди.

Шу пайт останада падари кўринди. У ўғлининг бақир-чақиридан келин унга эрталабки воқеани етказганини англади.

"Тинчликми болам, овозингиз баланд чиқаяпти?" деди ўғлига.

— Ўзим шундай, — ўрнидан туришга чоғланди ўғил.

— Болам, ҳаммаша ёдингда бўлсин, бировнинг ҳақи ёмон бўлади.

Отасининг сўзларидан ўғил дув қизарди.

Дилфуза МИРОБИДОВА.

Bolalik bog'i

AYIQCHANING
SARGUZASHTLARI

Kattakon o'rmonda juda ko'p hayvonlar yashardi. Ular orasida yosh ayiqcha ham bor edi. Ota-ona bag'rida kunlari quvnoq o'tardi. Ammo, bir kuni o'rmonga ovchilar kelishdi. Hamma yoqni o'q ovzolari bosib ketdi, to's-to'polon boshlandi. Ittifoq, yosh ayiqchaning ota-onasi ovchilar o'qiga uchrashdi.

Shu-shu ayiqcha qarovsiz, yolg'iz qoldi. Kunlar soviy boshladi. Ayiqcha oxiri maslahat so'rab, sherning huzuriga bordi:

— Barcha hayvonlarning shohi, o'rmonlar hukmdori, kundan-kunga sovuq kuchayayapti, menga maslahat bering, nima qilay?

— Ayiqcha, avvalo o'zingga issiq in izla, — dedi sher.

Ayiqcha in izlab yo'lga tushdi. Bora-bora o'rmon chekkasida bir to'da tovuqlarga duch keldi.

— Jon tovuqlar, in topishga yordam beringlar, — iltimos qildi ayiqcha zorlanib.

— Inimiz keng. Kel, biz bilan bemalol yashayver, — dedi tovuqlar onaxonlari.

Ayiqcha ko'rsaki, ularning inini haqiqatan ham juda keng ekan. Ayiqcha bir chekkaga cho'zilib, uyuguga ketdi. Tong otishi bilan tovuqlar Ayiqchaning oldiga don sochib qo'yishdi.

Ayiqcha dondan bir-ikkitasini og'ziga olib, chaynab ko'rdi. Lekin mazasi yoqmad. Shu tariqa ikki kun ayiqcha tuz to'tmasdan tovuqlar orasida qolib ketdi. Oxir holsizlanib, tovuqlar bilan yashay olmasligini tushundi va yana yo'lga tushib, bir to'da tovuqlarga duch keldi.

— Jon tovuqlar, menga makon topishga yordam beringlar? — dedi.

— Biz bilan yashashning mumkin, ayiqcha, — deyishdi tovuqlar.

Zulfiza SATTOROVA, Yangiota tumanidagi 15-maktab o'quvchisi.

Одамнинг касал бўлиши ҳам осон экан. Бўлмаса шамоллаганимга унча парво қилмагандим. Бурун курғурин чўқур-чўқур тортишдан зерикиб, шифокор ҳузурига бордим. Дўхтир билан ҳамшира бир-биридан қолмишга нималарнидир ёзишарди.

— Нима бўляпти, — сўради дўхтир ёзишдан тўхтамай.

— Андак шамоллабман шунга...

— Э, одамлар ҳам жуда тегманозик бўлиб кетган-да, Лобархон, — деди шифокор ҳамширага. — Ортиқча чўқуриб юборса ҳам касалхонага қолишаверади, худди сиз билан биз бекорчидай. Шамоллаш ҳам касаллик бўлибдики! — у менга юзланиб давом этди. — Аччиқ-қина маставани ичиб, ўраниб ётмайсанми, бир терлардингиз — тузалардингиз. Келганимга пушаймон бўлдим.

— Антибиотиклардан бирортасини ёзиб беринг! — буюрди ҳамширага.

— Ҳўп, Иззатилло ака, — дея ҳамшира менга саволлар ёғдиришни бошлади. — Исм-фамилингиз? Туғилган йилингиз?

Кетди! Ҳамшира ҳатто ота-боболаримнинг таржаман ҳолини ҳам обдон сўриштириб чиқди.

— Қаерда ишлайсиз? — сўради Лобархон охирида.

— Устаман.

— Сартарошмисиз?

— Йў-ё, уй курадиган, дурадгорман.

— Дурадгорман, денг?! — Иззатиллодан садо чиқди. Менга бошдан-оёқ кўз югуртирди.

— Шунча, — жавоб қилдим.

— Шошманг, — деб шифокор ўрнидан турди. Мени обдон текширишга киришди.

— Хм, қани чўқурроқ нафас олинг. Пол қокасизми? Чўқурроқ, чўқурроқ... яхши, яхши... Эшик-дераза куриш ҳам бўлдики, ўпкамни эшитишда — бош чайкайди, босимини ўлчайди — бош чайкайди... Яна ўзининг тилида шивирлайди, Лобархон ёзиб олиб, уям бош чайхаб қўяди.

— Касалим оғирми, дўхтир? — дедим заиф овозда.

— Ҳозирча бир нарсаси дейиш қийин, — Иззатилло ўйчан жавоб қилди. — Ҳаракат қилганим, худо хоҳласа...

Кейинги гаплари кўло-

гимга кирмади. Шу гапининг ўзи мени тугатди. Камига хотини бўлиб, йигини бошлаб юборди:

— Нима бўлди, дадажоним, нима бўлди? Кечагина тулпа-тузук юрган эдингиз-ку! Дардингиз ичингизда экан-у, менга айтмабсиз.

Умид билан битта ёстиққа бош қўйганди, мендан ҳаммасини яширибсиз. Ахир тўртта боламиз бор-а...

Иштатга деган нарсаси умуман қолмади. Уйкуда ҳало-

унинг давоси ҳалигача тиббиёт қоронғу. Аммо мен, — бор овозда жавраётган Иззатилло шу ерга келганда шивирлашга ўтди, — унинг давосини топганман. Фақат сиз мен айтган нарсаларни сўзсиз бажарсангиз тузаласиз, бўлмаса...

— Бажараман, сўзсиз бажараман, дўхтир!

— Бу касаллик шу касб билан шуғулланиш жараёнида даволанади. Бошқа йўли йўқ. Тушунайсизми?

— Яхши, яхши, — деди у бажарган ишларимизни кўздан кеңибди. — Энди муолажа натижаларини текшириб кўрайлик-а? — Иззатилло мени кўридан ўтказишни бошлади. — Чўқурроқ нафас олинг, чўқурроқ, яхши, яхши. Лағаларини кўпроқ қўяверинг, пол мустаҳкам бўлади. Юрагингизнинг уриши ҳам бироз нормаллашибди. Бўшамаглар, даволашни давом эттираверинглар.

Анча ёнгли тортдим. Овқатни ҳам иштатга билан едим. Яна ишга, йў-ё, даволашга киришдик. Иш билан бўлиб, кеч кирганини ҳам сезмай қолдимиз. Кечки овқатни касалхонада қилдим. Донг қотиб ухлабман-эй! Эрталаб шифокорим туртиб уйотди:

— Туринг, уста, кун исиб кетмасин, даволашни бошлайлик...

Кун сайин соғлигим яхшилана бошлади. Олтига уйнинг полини битказган кунимиз Иззатилло ҳам бунни тасдиқлади:

— Мана анча яхшисиз, деди у. — Аммо севинишга ҳали эрта. Касалингиз тузалди, лекин ҳали унинг асоратлари танангизни тарқатгани йўқ. Уларни панер миклаш жараёнида буткул қувиб чиқарамиз. Келишдики?

Бўшашиб бош қимирлатдим.

Хуллас тузалиб кетаман шекилли. Хайдовчи йигит Ҳалимжоннинг айтишича, бунга шубҳа қилмасам ҳам бўларкан. Чўки шифокорим менга ўшаган касалларнинг қўлини шу уйнинг бетонини қўйиб, гиштини териши, томини ёпиш, шуворини қилиш жараёнида даволаб ташлаган экан. Агар шифтини битказсам, менам буткул тузалмаб кетарканман.

Сайд АНВАР.

— Тушунапман, лекин... — Касалман, демоқчимисиз, — шифокор сўзимни бўлди. — Ўзингизни кўлга олинг ва фарз қилинг, сиз соппа-соғсиз. Буруннингиз оққанга ҳам парво қилмаглар. Туринг ўрингиздан. Кийининг! Ҳаракатингиз ёмон эмас. Фақат чакқонроқ бўлинг. Яхши. Ҳозир машинанга ўтирасиз-да, асбоб-ускуналарингизни олиб келасиз. Тезда, тушунарлигим?

— Тушунарли, — дедим баралла. Ҳақиқатан ҳам шифокорнинг гаплари таъсир қилди, тетиклашиб қолдим. Зумда уйга бориб, асбоб-ускуналарини олиб келдим. Хотиним кўрпа қавиб ўтирган экан, мени кўриб, оғзини очганча ортига қулади, ҳатто, унғям парво қилмай келавердим.

— Яхши, — деди Иззатилло асбоб-ускуналарини кўздан кеңибди. — Ҳаракатларингиз дуруст. Кетдик, даволашни сеансларини бошлаймиз.

Машина чала битган иморат олдига келиб тўхтади.

— Ужакон, — шифокорга илтижо билан боқдим, — тўғриси айтинг, қанақа касалга йўлиқибман?

— Сизга айтсам, — Иззатилло Лобархонга қосини қокқанди, у зумда хонани бўшатиб қўйди, — касалга тўғриси айтиш мумкин эмас, қасам бўзилади. Майли, сизга